

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

## Ўзбекистонда соғ'лиқни сақлаш Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, info@uzssgt.uz • 2014 йил 9 май • № 18 (987)

### ИНСОН ҚАДРИ АЗИЗ, ХОТИРАСИ МУҚАДДАС



Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан эл-юртимиз озодлиги йўлида қурбон бўлган аждодларимиз номи тикланди. Уруш қатнашчилари, фахрийлар ва ногиронларнинг фаровон ҳаёти учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 18 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони мамлакатимизда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва кекса авлод вакилларига бўлган чуқур ҳурмат ва эҳтиромнинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Дарҳақиқат, ўтганлар хотирасини абадийлаштириш, шу билан бирга, катта ҳаёт мактабини кўрган бобою бувиларимизни шарафлаш, уларга ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш мустақиллик йилларида янгича маъно-мазмун билан бойиди.

Ёшларимизни она Ватанга садоқат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда кекса авлод вакиллари алоҳида ўрни бор. Тинчлик ва озодлик учун курашган, эл-юрт тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилган фахрийларимизнинг ҳаёти бугунги ёшлар учун ҳақиқий ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

#### Семинар

## БИРЛАМЧИ БЎҒИН ФАОЛИЯТИ

уни «Ҳаракат дастури» такомиллаштиради



Мамлакатимизда бирламчи тиббий санитария ёрдами сифат ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида шу йилнинг 5 май куни Бухоро шаҳрида «Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини янада яхшилаш» мавзусидаги республика семинари бўлиб ўтди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов, Бухоро вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Муҳиддин Эсонов, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Нилуфар Тожибоева, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасадди раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳамда вилоятлар соғлиқни



(Давоми 2-бетда).

## Семинар

## БИРЛАМЧИ БЎГИН ФАОЛИЯТИ

уни «Харакат дастури» такомиллаштиради

сақлаш бошқармалари бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари ва бош мутахассислар ҳамда Бухоро вилояти тиббиёт ходимлари иштирок этишди.

**Семинарда асосан** тиббиёт тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш, тиббиёт муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш, замонавий талаблар ва стандартларга мувофиқ, аҳолига юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлашнинг янада илг-

мизда босқичма-босқич амалга оширилаётган тиббий ислохотлар бугунга келиб ўз мевасини бераётгани, жумладан, Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш тизимида ҳам самарали ишлар асосида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатилаётгани ҳамда «Соғлом бола йили» Давлат дастури асосида фаолиятлар изчиллик билан давом этаётгани ва бунинг замирида ўсиб келаётган ёш авлоднинг келажак ҳаёти ётганини гапириб, бунда тиббиёт

этаётганини таъкидлади. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Республика Хотин-қизлар кўмитаси ва бир қанча ташкилотлар ҳамкорлигидаги тадбирлар қамрови кенгайиб бораётгани, бу албатта, мамлакатимиз аёллари саломатлигига қаратилган устувор вазифалардан бири эканини гапириб ўтди.

**Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов** Бухоро вилоятида ўтган «Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини янада кучайтириш» мавзусидаги республика семинари хусусида тўхталиб:

– *Кенг аудиториядаги бундай семинарларни Қорақалпоғистон Республикаси ва Фарғона вилоятида ҳам ўтказдик. Тизимнинг бирламчи бўғинида амалга оширилган ишлар билан танишиш имконига эга бўлдик. Муаммо ва ечимлар хусусида фикр алмашувга кенг йўл очилди.*

**Шу ўринда таъкидлаш муҳими,** вазир Анвар Алимов Вазирлар Маҳкамасининг мажлис баёни ижросини таъминлаш бў-

бўлди. Тадбирнинг амалий қисмида эса иштирокчилар Бухоро вилояти Когон туманидаги «Геофизика» ҚВП ва вилоят Перинатал маркази фаолияти билан яқиндан танишдилар.

**Секцион йиғилиш** вилоятда аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш масалалари юзасидан амалга оширилган ишлар муҳокамасига бағишланди. Ушбу йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов, Республи-

маларининг оналик ва болалик бўйича ўринбосарлари ва назорат инспекцияси томонидан чуқурроқ ўрганиш ҳамда натижалардан келиб чиқиб амалиётга татбиқ қилишга келишилди.

Шунингдек, вазирлик мутахассислари иштирокида 1-3 май кунлари ҚВП, кўптармоқли ва оилавий поликлиникада фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари учун «Аҳолига кўрсатилаётган профилактик йўна-



ор шакл ҳамда услубларини жорий этиш масалалари муҳокама қилинди.

**Иштирокчиларга** Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган ишлар бўйича тайёрланган видеоролик намойиш этилди.

**Семинарни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов кириш сўзи билан очиб,** Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг соғлиқни сақлаш тизimini ислох қилишга қаратилган фармон ва қарорлари ҳамда «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросига доир устувор вазифалар билан бир қаторда ечимини кутаётган масалалар-

х о д и м - ларининг ҳам масъулияти юқори эканлигига атрофлича тўхталди.

**С ў н г р а Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари Нилуфар Тожибоева** юртимизда аёллар ва қизлар саломатлигини асраб-авайлаш йўлида олиб борила-



ка Хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари Нилуфар Тожибоевалар иштирок этди.

Унда туғиш ёшидаги аёллар электрон маълумотлар базасининг аҳамияти ва афзалликлари, вилоят марказида фаолият юритаётган акушер-гинекологларни амалий ёрдам кўрсатиш учун ҚВПга жалб қилиш механизми, ҚВП умумий амалиёт шифокорларини уз-

лишдаги тадбирларни такомиллаштириш чора-тадбирлари» мавзусида 4 та ҳудудий-амалий семинарлар ташкиллаштирилди ва семинарларда 1500 дан зиёд тиббиёт ходимлари иштирок этди.

Қорақўл туманида ўтказилган мазкур семинар йиғилишида Олот ва Қорақўл туман ҳокимларининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосарлари ҳам қатнашиб, ҳамкорликда бажарилиши муҳим бўлган вазифалар хусусида келишиб олинди.

Албатта, бундай ҳудудий семинарлар бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари ходимларининг аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда



га атрофлича тўхталиб, ўз фикрларини билдириб ўтди.

**Шунингдек, вазир Анвар Алимов** намойиш этилган видеороликдаги лавҳалар тўғрисида тўхталиб, вилоят соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган ишлар натижасида замонавий тиббиёт масканлари қад кўтаргани, уларнинг янги технологиялар ҳамда малякали кадрлар билан таъминланганини мамнуният билан эътироф этди.

**Бухоро вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Муҳиддин Эсонов** мамлакатининг (Давоми. Боши 1-бетда).

ётган ишлар, шу жумладан, фертиль ёшдаги аёллар ва ўсмир ўғил-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилаётган чуқурлаштирилган тиббий кўриқлар муҳим аҳамият касб этаётганини ўз фикрларида баён этди. Бундан ташқари, қизлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни янада кенг оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини ҳам эътироф этиб, барча ташкилотларда фаолият юритаётган аёллар билан бирга, уй бекаларини ҳам спорт билан машғул бўлишга жалб этиш, тарғибот ишларини кучайтириш жараёнларида хотин-қизлар кўмиталари ҳам фаол иштирок

йича Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2014 йилги асосий устувор йўналишларини қайта кўриб чиқиб, чора-тадбирлардан иборат бўлган **Харакат дастури** асосида белгилаб олинган вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтди.

**Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Икром Амонов** тизимда 2012 йилдан бошлаб вертикал мониторинг тизими жорий этилгани ва бу жараёнда барча йўналишлар қамраб олинганини таъкидлаб, бундай ишларни тўғри ташкил қилиш ва улар назоратини доимий ушлаб туришини таъминлашга хизмат қилишига урғу қаратди.

**Шунингдек, Бухоро вилояти ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари Зулфия Тўева** ҳам оилада тиббий маданиятни ошириш, маънан соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масалаларида тиббиёт соҳаси вакиллари билан жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигидаги ишини ташкил қилиш тўғрисида гапириб ўтди.

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари** ва тегишли идораларнинг 700 нафарга яқин вакиллари иштирокида бўлиб ўтган семинар асосий қисм ва секцион йиғилишлардан иборат



луksиз ўқитиш тизими, долзарб масалаларни бевосита жойига бориб таҳлил қилишнинг афзалликлари – вертикал бошқарув механизми таҳлили ўтказилди.

**Семинар хулосасига кўра,** амалга оширилган ишларни вилоят соғлиқни сақлаш бошқар-

билим ва кўникмаларини такомиллаштиришга хизмат қилади. Иштирокчилар томонидан маърузачиларга тизимга оид қатор саволлар берилди. Мутахассислар томонидан аниқ ва мавжуд муаммолар ечимини кўрсатиб берувчи жавоблар қайтарилди.

**Хулоса ўрнида айтиш жоизки, бундай кенг аудиторияда ўтказилаётган республика семинарлари соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини янада кучайтириш масалаларига қаратилган бўлиб, бу юртимиз миқёсида изчиллик билан олиб борилишига ишонамиз.**

**Ибодат СОАТОВА.**  
Суратлар муаллифи **Анвар САМАТХОДЖАЕВ,**  
Тоҳир ИСТАТОВ.

## Маънавий-маърифий тадбир

## ҲУРМАТ ВА ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛДИ

**Ҳар йили республикамизда 9 май – Хотира ва қадрлаш кунни сифатида кенг нишонланади. Барча тиббиёт муассасаларида бўлгани каби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳам Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб «Тинчлик бўлсин дунёда» деб номланган маданий-маърифий тадбир ўтказилди.**

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирга узоқ йиллар соҳада фаолият кўрсатган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фахрийлар, ўқувчи-ёшлар таклиф этилди.

Меҳру саховатга тўла мазкур тадбир мана бир неча йилдирки, вазирлик ҳаётида доимий анъана тусини олиб келмоқда. Шу вақтга қадар бу даргоҳда қанчадан-қанча тиббиётимиз дарғалари, олим жонкуяр инсонлар меҳнат қилганини эътироф этиш жоиз. Кўп йиллар ушбу даргоҳда самарали фаолият олиб бориб, эндиликда қариллик гаштини сураётган фахрийларнинг ҳамкасблари дийдори

томон ошиқиллари, уларга кўрсатилган ғамхўрлик ва эътибор йиллар давомида ўзининг кадр-қимматини йўқотмайди.

Соғлиқни сақлаш вазири А. Алимов ва бошқалар ёши улуг инсонларга давлат ва жамият томонидан эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юритилаётган ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналиши эканини таъкидлади.

– Ватан озодлиги, эл-юрт саломатлиги йўлида фидокорона меҳнат қилган фахрийларни эътироф этиб, уларнинг босиб ўтган ҳаёт йўли, мазмуни касб фаолияти бугунги авлод учун ибрат мактаби вазифасини ўта-

моқда, – деди тадбир сўзида Соғлиқни сақлаш вазири А. Алимов.

Мамлакатимизда уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш, баркамол авлодни тарбиялаш, миллий анъана ва қадриятларнинг бардавомлигига эришиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 18 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони уруш фахрийларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар қўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Тадбирда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ва нафақадаги шифокору ҳамшираларга вазирлик томонидан ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиб, эсдалик совғалари топширилди. Устозлар меҳнати эътироф этилди.

– Шундай дорилмомон кунларга



етказганига минг бора шукр қилман, – дейди 86 ёшни қаршилаган тиббиёт фанлари доктори, профессор Наима Маҳмудова. – Президентимиз таъкидлаганидек, бундай фаровон ҳаётни, юртимиздаги тинчлик-тотувликни кўз қорачигайди асраш ҳар бир инсоннинг фуқаролик бурчидир.

Тадбир сўнгида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри актёрлари ва ижрочи ёшларнинг чиқишлари барчага кўтаринкилик бағишлади.

**Намоз ТОЛИПОВ.**  
**Сурат муаллифи**  
**Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

## Бугуннинг мавзуси

ЭПИДЕМИОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК  
– САЛОМАТЛИК ОМИЛИ

**Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли тиббий-ижтимоий ислохотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, халқимизнинг соғлом ва узоқ умр кечирishi учун муносиб шарт-шароит яратиш, санитария-эпидемиологик барқарорликни сақлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Республика Бош давлат санитария вазири Саидмурод Саидалиев аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар самаралари хусусида куйидагиларни гапириб ўтди:**

– Мамлакатимизда аҳолини юқумли касалликлардан ҳимоялашнинг мустақам ҳуқуқий асослари ҳамда амалий механизми яратилган, – дейди **С. Саидалиев.** – Жумладан, тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш тубдан яхшилانгани, эмлаш тадбирлари юқори савияда ва уюшқоқлик билан ўтказилаётгани халқимизнинг ҳаёт сифатини ошириш, тиббий-профилактик ишлар қўламини кенгайтиришга хизмат қилаётди. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қароридан белгиланган вазифалар ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Ушбу қарор ижроси тўғрисида соғлиқни сақлаш тизимининг барча бўғинлари қатори санитария-эпидемиология хизматининг ҳам моддий-техник салоҳияти юксалиб, амалиётда замонавий технологиялардан самарали фойдаланилмоқда. Бундай тадбирлар мамлакатимизда санитария-эпидемиология ҳолатини барқарор сақлаш, ўта хавфли юқумли касалликларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда. Санитария-эпидемиология соҳасида барқарорликка эришишда юқумли касалликларга қарши курашиш муҳим омил ҳисобланади. Иммунопрофилактика бу борадаги муҳим йўналишлардан биридир.

Мамлакатимизда болаларни юқумли касалликларга қарши

эмлашнинг миллий тақвими яратилган ва у муттасил такомиллаштирилмоқда. Жумладан, 18 ёшгача бўлган болалар ўнта юқумли касалликка қарши эмланмоқда. Чақалоқларни гепатитнинг В турига қарши тўғруқхонадаёқ эмлаш йўлга қўйилгани ушбу касаллик бўйича эпидемик вазиятни яхшилаш имконини бераётди. «Соғлом бола йили» Давлат дастурида бу борадаги ишларни такомиллаштириш мақсадида икки юз минг нафар 1-3 ёшли болани вирусли гепатитнинг А турига қарши эмлаш режаланштирилган. Айни пайтда ушбу чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан изчил иш олиб борилаётди. Давлат дастурида миллий эмлаш тақвими такомиллаштириш билан боғлиқ бир қатор вазибалар белгиланган. Режага биноан янги вакциналарни жорий этиш юзасидан иш олиб борилмоқда. Бугунги кунда болалар ўртасида тез-тез учраётган, уларнинг саломатлигига жиддий таъсир этган касалликлардан бўлган диареяга қарши ротавирус вакцинаси қўлланилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва БМТнинг болалар жамғармаси – ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида махсус стратегия лойиҳа амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида ҳар йили етти миллион нафарга яқин бола гижжага қарши лаборатория текширувидан ўтказилмоқда.

– **Аҳоли ўртасида овқатдан заҳарланиш билан боғлиқ ҳолатлар учраб туради. Жой-**

**ларда бунинг олдини олиш мақсадида қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

– Маълумки, бу муаммага асосан уй шароитида, санитария-гигиена қоидаларига тўла риоя этилмай тайёрланадиган консерва маҳсулотларини истеъмол қилиш асосий сабаб бўлаётди. Бу жараёнда аҳолининг тиббий маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, аҳоли ўртасида овқатдан заҳарланиш ҳолатларини ўрганиш мақсадида узлуксиз профилактик тадбирлар ташкил этилмоқда. Барча деҳқон бозорларида тез айнайдиган озик-овқат маҳсулотларини сақлаш ва сотиш жараёни узлуксиз назоратга олинган. Бундай маҳсулотларнинг сифати мунтазам равишда лаборатория текширувидан ўтказилади. Уй шароитида тайёрланган консерва ва бошқа озик-овқат маҳсулотларининг савдосига йўл қўймаслик бўйича мунтазам рейдлар ўтказилаётди. 2013 йилда ўтказилган ана шундай тадбирлар жараёнида уй шароитида тайёрланган тўққиз минг литрдан ортиқ консерва маҳсулотлари ўрнатилган тартибда йўқ қилинди. Бугунги кунда марказий деҳқон бозорлари ва уларнинг шохобчаларига мутахассисларимиз бириктирилган. Улар амалдаги чора-тадбирлар режасига мувофиқ санитария назорати олиб бормоқда. Хусусан, бозорларнинг санитария ҳолатини яхшилаш, тозалаш, ободлаштириш тадбирларининг ўтказилиши, савдога чиқарилаётган озик-овқат маҳсулотларининг сифати назорат қилиниб, бир вақтнинг ўзига ҳуқуқ-тартибот идоралари, солиқ, ветеринария хизмати ва бозор ходимлари билан ҳамкорликда уй шароитида тайёрланган, сифати кафолатланмаган озик-овқат маҳсулотлари савдосининг олдини олишга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Бундай муаммоларга қарши курашишда тарғибот-тушунтириш ишлари муҳим омил ҳисобланади. Барча таълим муассасалари-

да ўқувчилар ўртасида соғлом турмуш тарзи қоидалари, бутулизм ва бошқа юқумли касалликларнинг олдини олиш юзасидан ижодий ишлар танлови ўтказилмоқда. Мутахассислар маҳалаларда тушунтириш ишлари олиб бормоқда. Бозорларнинг радиоузеллари орқали радиоролик ҳамда мутахассислар билан мулоқотлар мунтазам бериб борилмоқда.

– **Мамлакатимиз ҳудудига четдан хавфли инфекциялар кириб келишининг олдини олиш ва эпидемиологик барқарорликни кучайтиришда жойларда фаолият юритаётган санитария-эпидемиология лабораторияларининг ўрни катта. Ушбу муассасаларнинг моддий-техник базасини такомиллаштириш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

– Бугунги кунда вилоят, шаҳар ва туманлардаги ҳудудий давлат санитария-эпидемиология назорати марказларида 158 лаборатория фаолият кўрсатмоқда. Ушбу лабораторияларда замонавий текширув услубларининг жорий қилиниши таҳлилларни сифатли ва самарали ўтказиш, мураккаб эпидемиологик вазиятларда зудлик билан зарур чора-тадбирларни кўришга имкон яратмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 2 октябрда қабул қилинган «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишнинг такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бўйича барча даволаш-профилактика муассасаларида, жумладан, давлат санитария-эпидемиология назорати марказларида тўлиқ инвентаризация ўтказилиши, моддий-техник базанинг аҳоли баҳоланиши лозимлиги кўрсатилган. Мазкур қарор ижроси доирасида давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари лабораторияларининг моддий-техник базаси мустақамланмоқда. Замонавий компьютерлар, полярографлар, хроматографлар, ротацион буғлан-

тиргичлар, газ анализаторлари, иммунофермент анализаторлари ва бошқа техника воситалари олинди. 2013 йилда бактериология лабораторияларида ичак инфекциялари диагностикаси сифатини ошириш мақсадида таҳлиллар ўтказиш учун ишлатиладиган диагностика туман ва зардоблар харид қилинди. Бу ишлар лаборатория синовларини қисқа муддатларда, юқори аниқлик билан ўтказиш имконини бермоқда. Республика Давлат санитария-эпидемиология хизматида ўтказилаётган бундай тадбирлар натижасида халқаро стандартлар даражасида жиҳозланган, ҳар қандай эпидемик хавфни бартараф қила оладиган, юқумли касалликларнинг четдан кириб келиши ва тарқалишининг олдини олишга қодир тизим шаклланди. Бу тизимда эришилаётган ютуқлар халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. Масалан, 2013 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ўтказилган текширув натижасига кўра, Республика ДСЭНМ вирусология лабораторияси Ўзбекистонда қизамиқ-қизилча касаллигининг диагностикаси бўйича Миллий лаборатория сифатида аккредитациядан ўтказилди. Шунингдек, полиомиелит диагностикаси бўйича ўтказилган ишлар ҳақидаги ҳисобот эътироф этилиб, унга полиомиелит диагностикаси бўйича Миллий лаборатория мақоми берилди. Бу ютуқлар инсон манфаатларини муҳофазалаш йўлида амалга оширилаётган муҳим ислохотларнинг самараларидир. Айни пайтда «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида тизимда амалга оширилаётган ишларни янги, юқори босқичга олиб чиқиш, мамлакатимизда санитария-эпидемиология соҳасида эришилаётган барқарорликни мустақамлашга йўналтирилган ишлар қўламини янада кенгаймоқда.

**Баҳор ХИДИРОВА**  
**суҳбатлашди.**

Инсон хотираси – боқий, қадр-қиммати – улуг

## ТИНЧЛИК БУЮК НЕЪМАТДИР

**Истиклол берган буюк неъмат – тинчлик, осуда ҳаёт, фаровон турмуш барчамиз, аввало фарзандларимизнинг бебаҳо бахт-саодати, юртимиз келажаги, унинг пойдеворини мустақамловчи асосдир. Шундай экан, бу неъматнинг қадрига етиш, юртимиздаги осуда ҳаёт бардавонлигини таъминлаш учун ҳар биримиз доимо ҳушёр бўлиб, хавфу хатарлар олдини олиш, уларни бартараф этишга сергак бўлишимиз зарур.**

Огоҳлик ва сергалик туйғуси, айниқса Хотира ва қадрлаш куни санасида ҳар биримизнинг қалбимизда кўпроқ акс-садо беради. 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 69 йиллиги бутун инсоният қалбиде тинчлик-осудаликни қадрлашдек олижаноб туйғуга ундайди. Президентимиз таъкидлаганидек, тарихий хотирасиз келажақ йўқ. Ўз ўтмишини унутмаган халқнинг эса истиқболи порлоқ, эртаси ёруғ.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ тарихий адолатни тиклаш, Ватан озодлиги, халқ бахт-саодати, осмонимиз мусаффолиги учун ўз инсоний бурчини бажариб, жонини фидо этган юрдошларимиз муқаддас хотираси олдида бош эгиш, ҳурматини жойига қўйиш қадрият даражасига кўтарилди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда амалга оширилган эътибор ва ғамхўрликнинг замирида инсон манфаатлари муҳим эканлигини кўриш қийин эмас. Айниқса, Хотира ва қадрлаш куни арафасида бўлиб ўтадиган тадбирлар буни яна бир қарра исботлаганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Президентимизнинг жорий йил матбуотда эълон қилинган “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони ёши улуг кишиларга давлат томонидан кўрсатилган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси бўлди.

Статистик маълумотларга кўра, Иккинчи жаҳон урушига Ўзбекистондан 1 миллион 433 230 нафар эркак, 500 га яқин

хотин-қизлар сафарбар этилган бўлиб, 604 минг 52 нафар ҳамюртимиз уруш майдонларидан ногирон бўлиб қайтган. 500 минг нафар юрдошимиз, яъни урушда қатнашганларнинг 30 фоизи қаҳрамонларча ҳалок бўлган.

Юртошимиз ташаббуси билан Тошкентнинг Мустақиллик майдонида бунёд этилган Хотира майдони – Мотамсаро Она ҳайкали атрофида ярим миллионга яқин ватандошимизнинг исми-шарифи, туғилган манзили, дафн этилган жойи зарҳал ҳарфлар билан битиб қўйилган. Хотира мажмуи эндиликда нафақат юрдошларимиз, балки хорижлик сайёҳлар учун ҳам муқаддас зиёратгоҳлардан бирига айланди. Бундан ташқари, республика “Нуроний” жамғармаси марказий кенгаши ҳимойида 37 жилддан иборат “Хотира” китоби нашр этилиб, унда 450 мингга яқин ватандошимиз тақдири ҳақида тегишли маълумотлар жамланди. Уруш йилларида халқимизнинг инсонпарварлик, жасорат ва матонат каби фазилатлари янада ёрқинроқ намоён бўлди.

Расмий маълумотларга кўра, мамлакатимизда 3873 нафар уруш қатнашчиси ва ногиронлари, кекса ёшдаги минглаб азиз ва табаррук отахону онахонларимиз давралар файзи ва кўрки бўлиб, умргузаронлик қилишмоқда. Уларнинг ҳар бирига ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш давлатимиз ва жамиятимиз сиёсатининг доимий диққат-марказида эканлиги айниқса, қувонарлидир. Уларни тиббий кўриқдан ўтказиш, зарурат туғилганда санаторий ва стационарларда даволаниши учун кўмаклашиш

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Касаба уюшмалари федерацияси, “Нуроний” жамғармаси марказий кенгаши эътиборидаги масалага айланган. Шунингдек, катта авлод вакилларининг ҳаётий тажрибасидан фарзандларимизни мустақил ҳаётга муносиб қилиб тарбиялаш мақсадида кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Мана шу муқаддас тупроқ меники. Бу ерда ота-бобларимнинг хоки ётибди. Агар шу мусаффо осмон, шу эркин ва ёруғ ҳаёт, мана шу муқаддас Ватанни мен ҳимоя қилмасам, ким ҳимоя қилади, деган мустақам эътиқод руҳида тарбиялаш, ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади. Токи, ҳаётда ўз йўлини излаётган фарзандларимиз ўз онги, ўз акли билан шу ғояларнинг тарафдори, ҳимоячисига айлансин”, деган фикрлари албатта, ҳар бир ёш авлодининг Ватанга меҳри ва халқимизга бўлган ҳурматини янада оширади.

Дарҳақиқат, айтиш мумкинки, республика соғлиқни сақлаш тизимидаги кўплаб фидойи касб эгалари ҳам Иккинчи жаҳон урушида иштирок этиб, жанг майдонидаги қанчадан-қанча ярадорларга тиббий ёрдам кўрсатиб, улар ҳаётини сақлаб қолиш билан бирга, ўзлари ҳам жангларда мардонавор кураш олиб борганлар. Ана шундай ўз жонини Ватан учун фидо этган ҳамкасбларимиз хотираси қалбларимизда абадий сақланади. Бугунги кунда эса оиламиз ва давраларга файз улашиб, шукроналик кайфияти билан яшаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда меҳнат фахрийларини Хотира ва қадрлаш куни билан самимий қутлаб, узоқ умр кўриб юришларини тилаб қоламиз.

**Искандар РАҲМОН,  
Куролли Кучлар  
фахрийси.**

Ибрат



## КАСБГА МЕҲР ВА ИШТИЁҚ БИЛАН

**Орамизда шундай касб эгалари борки, улар ҳақида ҳар қанча гапирсақда озлик қилади. Ана шундай касб эгаларидан бири – тиббиёт ходимларидир. Улар орасида ўзининг самарали меҳнати ва касбига фидойилиги билан эл орасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган ажойиб ҳамда камтарин шифокорларимиз ҳақида гап кетса, албатта, фахрланамиз.**

Мана 30 йилдирки, халқимиз саломатлиги йўлида жонқуярлик билан меҳнат қилиб келаётган Қарши шаҳар тиббиёт бирлашмасининг урология бўлими мудир Тўракул Шониев ҳам қанчадан-қанча беморларга ҳаёт бахш этиб келаётган эл назаридаги шифокордир.

Изланувчан ва ўз касбининг билимдони бўлган Тўракул Шониев меҳнат фаолияти давомида Республика онкология илмий марказида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. У юртимиз ва бир қанча хорижий давлатларда бўлиб, ўз малакасини ошириш баробарида, ўтказилган анжуманларда долзарб мавзуларда маърузалар қилди. Тажрибали шифокор урология соҳаси нақадар масъулиятли ва машаққатли эканлигини дилдан ҳис этиб, бор куч-имкониётини ишга солиб, тиббиётнинг сиру синоатларини чуқур эгаллади. Қашқадарё вилоятида урология мактабига асос солди, десак муболаға бўлмайди.

Айниқса, Тўракул Шониев жамоадаги ёш мутахассислар фаолиятини қўллаб-қувватлаб, уларга урология йўналишининг муҳим жиҳатларини ўргатиб, устоз-шогирд аъналарини давом эттириб келмоқда.

Вилоят аҳолисига урологик хизмат кўрсатиш ва ривожлантириш йўлида фаолият юритиб келаётган шифокорнинг меҳнатлари муносиб эътироф этилиб, шаҳар тиббиёт бирлашмаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

**Ақмал АЛЛАМУРОДОВ.**

**СУРАТДА:** шифокор-жарроҳ Тўракул Шониев ҳамда катта ҳамшира Мўтабар Зоҳидова. Муаллиф олган сурат.

Давра суҳбати

## ЖУРНАЛИСТНИНГ КАСБ ОДОБИ ВА МАСЪУЛИЯТИ

**Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида “Журналистнинг касб этикаси ва масъулиятини ошириш масалалари” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

Унда босма ва электрон оммавий ахборот воситалари ходимлари, олий ўқув юрталари профессор-ўқитувчилари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Абдулазиз Абдуллаев, АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жорж Крол, Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жорж Эдгар, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари

Криста Пиккат, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази директори Гулнора Бобождонова ва бошқалар кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш, қонун устуворлигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари муҳим аҳамият касб этигини таъкидлади.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида медиа соҳани замонавий талаб ва мезонлар асосида раванқ топтириш, унинг жаҳон андозалари даражасида фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитни яратиш, моддий-техник базасини мустақамлаш юзасидан кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демокра-

тик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси миллий журналистика ривожининг янги имкониётларини очмоқда.

Ўтган вақт мобайнида қабул қилинган бир қатор қонун ҳужжатлари медиа тузилмалар учун иқтисодий қулайликлар ва омилларни яратиш, бунинг асосида оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш, ахборот соҳасини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини тобора кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ҳамкорлигини мустақамлаш, маъруза органлар томонидан қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини кучайтиришда “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг



очиқлиги тўғрисида”ги қонун муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ОАВ фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор соҳа ходимларидан ижтимоий фаоллик, доимий изланиш билан бирга касб этикаси, одобахлоқ меъёрларига амал қилишни талаб этади.

Анжуманда Ўзбекистон оммавий-ахборот воситаларида фаолият олиб бораётган журналистларнинг касб этикаси билан боғлиқ жараёнлар ва бу борадаги масъулият хусусида фикр алмашилди.

**Назокат УСМОНОВА.**  
Сурат муаллифи  
Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

## Вилоятдаги мухбирларимиз хабар қилади

Сурхондарё вилояти

# АЁЛЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ ОСОЙИШТА, ОБОД БЎЛАДИ

**Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, тиббий маданиятини ошириш, интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар натижасида аҳоли, хусусан, хотин-қизларнинг тиббий маданияти юксалиб бораётгани соғлом авлодни шакллантиришда муҳим омил бўлаётди. Фертил ёшдаги аёллар ва болалар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиб, саломатлиги мустаҳкамланмоқда. Ёшлар, айниқса, ўсмир қизлар мустақил ҳаётга тайёрланиб, оила олдидаги ўз масъулиятини янада чуқурроқ ҳис қилишига эришилмоқда. Эрта турмуш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг ноҳуш оқибатлари аҳолига атрофлича тушунтириляпти.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувват-

лаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Сурхондарё вилояти перинатал маркази аҳолига гинекологик, перинатал ва антенатал тиббий хизмат кўрсатишга ихтисослашган. Бу ерда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ва соғлом авлодни шакллантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг учун тиббиёт муассасаси замонавий усулда реконструкция қилиниб, барча шароитлар яратилди. Айниқса, сўнгги русумдаги УЗД, портатив УЗД аппаратлари билан таъминлангани туғма нуқсонли ҳомилани эрта аниқлаб ташхис қўйиш, аёллардаги гинекологик хаста-

ликларни даволаш самарадорлигини оширишда. Чақалоқлардаги неврологик касалликлар ва бош миядаги шикастланишларни ўз вақтида аниқлаш имкони-ни бермоқда.

Ўтган йили Япониянинг грант лойиҳаси доирасида шифохона 114 минг 900 АҚШ доллари қийматидаги ҳомила ва чақалоқлар учун доплерли замонавий УЗИ аппарати, ихчам рентген ва ҳомила кардиотокограф ускуналари билан жиҳозланди.

– Ушбу аппаратлар ҳомиладор аёллар ва чақалоқларга аниқ ташхис қўйиш имкониятини янада кенгайтди, – дейди вилоят перинатал маркази директори Комил Тўлаев. – Энди ҳомиланинг патологик аҳоли, ривожланишига таъсир этувчи омиллар ўз вақтида аниқланаётди. Бу фертил ёшдаги аёлларни текшириш сифати ва самарадорлигини тубдан яхшилади.

43 нафар шифокор, 220 нафар ўрта тиббиёт ходими хизмат қилаётган мар-

казда барча шароитлар яратилгани туғруқ сифатини тубдан яхшилаб, соғлом авлодни дунёга келтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Оналар ва болалар ўлими кескин камайишига эришилди.

Марказда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш ишлари сифати ва самарадорлигини янада ошириш учун жамоатчилик кенгаши ташкил этилган. Тажрибали тиббиёт ходимларидан иборат кенгаши аъзолари жойларда тез-тез бўлиб, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни шакллантириш, оилада эркаклар масъулияти, оила муқаддаслиги каби миллий қадриятларимизни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилмоқда. Бу ишларнинг барчаси аёллар саломатлигини мустаҳкамлаб, оилаларимиз осойишталиги, турмушимиз фаровонлиги учун хизмат қилмоқда.

**Ҳолмўмин МАМАТРАЙИМОВ.**

Навоий вилояти

## ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИ ОШМОҚДА

**Навоий вилоятида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, шифо масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида тиббий муассасаларда қурилиш-таъмирлаш, модернизация ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида амалга оширилаётган ишлар бунинг ёрқин тасдиғидир.

– Жорий йилнинг ўтган даврида гематология, кардиоревматология каби бўлимлар янгидан ташкил этилди, – дейди **марказ бош шифокори Фарход Курбонов.** – Шунингдек, бўлимлар кенгайтирилиб, аҳолига зарур қулайликлар яратилмоқда. 125 ўринга мўлжалланган ушбу тиббий муассасада 310 нафардан зиёд малакали мутахассис меҳнат қилади.

Марказ ходимлари Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, хорижий давлатлардаги етакчи тиббиёт масканларида малака ошириб қайтмоқда. Мамлакатимиздаги бир қатор етакчи тиббий муассасалар, жумладан, Тошкент педиатрия ва Самарқанд тиббиёт институтлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган.

Бу ерда замонавий даволаш усуллари – туғма маймоқлик, чаноқ ва сон бўғими чиқишлари, кўкрак қафасидаги жарроҳлик амалиётлари муваффақиятли амалга ошириляпти.

Президентимиз раҳнамолигида соҳага қаратиляётган алоҳида эътибор самарасида марказнинг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлангани болаларда учрайдиган турли хасталикларни эрта аниқлаш ва ўз вақтида даволаш имкониятини оширди. Соғлом бола йилида бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтирмоқда. Жумладан, Германиянинг KFW банки имтиёзли кредити ҳисобидан энг сўнгги русумдаги замонавий тиббиёт жиҳозлари келтириляпти.

**Н. РАҲИМОВ.**

Самарқанд вилояти

**Самарқанд вилоятининг Пайарик туманидаги «Чоштепа» қишлоқ врачлик пунктида «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси юзасидан кўргазмали семинар ўтказилди. Қишлоқ врачлик пунктлари фаолияти самарадорлиги ҳамда аҳолига кўрсатиляётган тиббий хизмат сифатини ошириш мақсадида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ташкил этилган тадбирда туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари, қишлоқ врачлик пунктлари мудирлари ва шифокорлар иштирок этди.**

## МУҲИМИ – САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИШ

Семинарда Президентимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, хусусан, қишлоқ аҳолисига юқори малакали, замонавий тиббий хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор қаратиляётгани таъкидланди. Тегишли дастурлар асосида жойларда қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилиб, босқичма-босқич замонавий тиббий жиҳоз ва ускуналар билан таъминланмоқда. Умумий амалиёт шифокорлари ва патронаж ҳамширалар фаолияти йўлга қўйилди. Эндиги вазифа мавжуд имконият ва шарт-шароитлардан самарали фойдаланиб, тиббий хизмат сифатини ошириш, аҳоли тиббий маданиятини юксалтиришдан иборат.

Тадбирда бу борада «Чоштепа» қишлоқ врачлик пунктида амалга ошириляётган ишлар таҳлил этилиб, ибратли тажрибалар ўрганилди.

– Муассасамиз 2 минг 600 дан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатади, – дейди «Чоштепа» ҚВП мудираси Дилором Турдиева. – Худуддаги 365 хонадоннинг барчасига умумий амалиёт шифокори ва ҳамшира бириктирилган. Улар ҳар бир оила аъзосининг саломатлигини доимий назорат қилиб, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи юзасидан тарғибот ишларини олиб бормоқда. Айниқса, оналар ва болалар саломатлиги доимий эътиборимизда. Шу боис, йил давомида тиббий кўриқлар ўтказамиз, туғруқ ёшида-

ги ва ҳомиладор аёлларга зарур тавсия ва маслаҳатлар берамиз. Врачлик пунктимизда ташкил этилган фитобарда тайёрланаётган табиий гиёҳли дамламалар ҳам аҳоли соғлиғини мустаҳкамлаш, турли касалликлар асоратини йўқотиш ҳамда юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур қишлоқ врачлик пунктида ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш, ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатишни ривожлантириш борасида ҳам бой тажриба тўпланган. Яъни, умумий амалиёт шифокори ва ҳамширага маош беришда уларнинг ўзларига бириктирилган оилалар билан ҳамкорлиги, аҳоли саломатлиги эътиборга олинади.

– Менга бириктирилган ҳудудда 323 нафар аҳоли яшайди, – дейди патронаж ҳамшираси Гулбаҳор Муродова. – Уларни тўлиқ тиббий назоратга қамраб олиш учун куннинг биринчи ярмини тиббий кўриққа, иккинчи ярмини ҳудудга чиқиб, аҳоли ўртасида тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бораман. Бу эса ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Энг муҳими, аҳоли тўлиқ тиббий текширувдан ўтказилиб, ишимиз самарадорлиги ортади.

**Ҳ. ҲАСАНОВ.**

Наманган вилояти

## ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ ИШЛАРИ ЯХШИЛАНМОҚДА

**Саломатликнинг муҳим омилларидан бири соғлом турмуш тарзига амал қилишдир. Президентимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга ошириляётган кенг кўламли ишлар доирасида мазкур тамойил тарғиботи ва тиббий маданиятни юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар алоҳида ўрин тутаяди.**

Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Наманган вилояти филиали директори Ирода Мусаева бу борада вилоятда амалга ошириляётган ишлар хусусида қуйидагиларни гапириб берди:

– Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, энг катта бойлигимиз – халқимиз саломатлиғидир. Тиббиёт соҳасида рўй бераётган туб ўзгаришлар, моддий-техник базанинг мустаҳкамланган бўлиши, диагностика, даволаш ва профилактика ишларига замонавий техника ҳамда технологиялар жорий қилинаётгани тиббий хизмат кўрсатиш сифати ҳамда самарадорлигини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда. Республика саломатлик ва тиббий

статистика институти олдида қўйилган асосий вазифалардан бири ҳам аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини тарғиб қилиш воситасида тиббий маданиятни оширишга кўмаклашидир. Институтнинг вилоят филиали бу борада ўттизга яқин давлат дастурлари доирасида иш олиб бормоқда.

Жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатувчи муассасалар фаолиятидаги профилактик йўналишни кучайтириш ҳамда тизимли равишда тиббий маданият, санитария-гигиена ва соғлом турмуш тарзи бўйича кўникмаларни кенг татбиқ этишга доир дастури ижросига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур дастур турли касалликларнинг олдини олиш борасидаги тарғибот ва профилак-

тика тадбирларини ўзида мужассам этган.

Жорий йилнинг январь ойида ОИВ инфекцияси профилактикаси, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, вояга етмаганлар ўртасида соғлом турмуш тарзи, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик ва тамаки маҳсулотларини суиистеъмол қилиш, туғма касалликларни барвақт аниқлаш ва соҳага оид қонунлар тарғиботига урғу берилди.

Февраль ойида фертил ёшдаги аёллар, болалар ва ўсмир қизларни соғломлаштириш, грипп, вирусли гепатит, гелминтоз касалликларининг олдини олиш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди. Соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда Тўрақўғон, Мингбулоқ туманларида ўтказилган соғломлаштириш ҳафталикларидан минглаб

аҳолига амалий ва консультатив тиббий хизмат кўрсатилди.

Биринчи чоракнинг сўнгги ойида эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг ноҳуш оқибатлари, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, оила мустаҳкамлигининг асослари устувор масала бўлди. Учқўғон, Норин туманларида ташкил этилган соғломлаштириш ҳафталикларидан академиклицей, касб-хунар коллежи ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари, даволаш профилактика муассасаси ва маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари, кенг аҳоли қатлами қамраб олинди.

Вилоят скрининг, фтизиатрия, ОИТСга қарши кураш марказлари билан ҳамкорликда Уйчи, Наманган, Тўрақўғон, Мингбулоқ, Учқўғон, Норин, Чуст, Поп туманларида туғиш ёшидаги аёллар, ўсмирлар ва болалар тиббий кўриқдан ўтказилиб, зарур тавсия ва маслаҳатлар берилди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросига қаратилган бундай чора-тадбирлар изчил давом эттирилмоқда.

**А. САТТОВ.**

## Дил изҳори

## ОҚ ҚОҒОЗДА САМИМИЙ ТИЛАКЛАР

**Халқимизда шундай хислат бор: кимнингдир яхшиликни кўрган киши у ҳақда бир умр эслаб юради. Қийин вазиятга тушиб, бирор оғир дардга чалинганда, шифокорнинг беминнат кўмагидан баҳраманд бўлган бемор борки, дил изҳорини қоғозга тўккиси, самимий тилакларини тегишли кишига етказгиси келади. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва “Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана” газетаси таҳририятига юртимизнинг турли манзилларидан оқиб келаётган мактублар ана шу руҳ билан суғорилган.**

Ёш билан боғлиқ ҳолда келиб чиқадиган касалликлар ҳар бир кишини безовта қилиши ва мутахассис шифокор хузурига бошлаши табиий. **Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида истиқомат қилувчи 74 ёшдаги отахон Фани Тангиров** кўзлари хиралашгани учун яқин кишилари маслаҳатига биноан, Тошкент шаҳридаги кўз касалликлари клиник шифохонасига келди. Даволаш муассасасида беморлар учун яратилган шартшароит отахонни лол қолдирди.

– Шифокорлар мени замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида текшириб кўриб, ташхис қўйишди. Тажрибали шифокорлар Р. Усмонов, Б. Маҳмадова, Н. Йўлдошева, Д. Хан, Р. Алиевлар 2-бўлимда даволанаётган барча беморлар қатори менга ҳам самимий муносабатда бўлиб, соғлигимни тиклаш учун ўз кўмаklarини аяшмади. Ҳозир ўзимни жуда яхши ҳис қилмоқдаман. Бунинг учун номлари зикр этилган тиббиёт ходимларига раҳмат айтаман, – **дея мактуб йўллади Фани Тангиров.**

Соғлиқни сақлаш вазирлигига **Наманган вилоятида**

жойлашган тиббиёт муассасалари шифокорларининг аҳолига намунали хизмат кўрсатаётгани тўғрисида кўплаб миннатдорлик мактублари келади. Ана шундай хатлардан бирини **2-гуруҳ ногирони Ҳамидхон Латипов** йўллаган.

– Ёшим 70 дан ошди. Ногирон бўлганим учун тез-тез соғлигим ёмонлашиб туради. Наманган шаҳридаги 3-оилавий поликлиника тиббиёт ходимлари ҳар гал мени очик чехралик билан қарши олишиб, зудлик билан тиббий ёрдам кўрсатишга киришадилар. Терапевт Наима Содикова, кўз касалликлари шифокори Бахтиёр Усмонов кўзимда катаракта хасталиги борлигини аниқлашди. Уларнинг тавсиясига кўра, зарурий дори-дармонларни қабул қилгач, аҳволим яхшиланди. Аммо операциясиз бу касалликдан халос бўлиш анча қийин экан. Шу боис, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси мутахассис-шифокорлари кўрсатмасига биноан, **Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси марказига** келиб мурожаат қилдим. Менда катаракта ва глаукоманинг биргаликдаги шакли бўлиб, уни лазер усулида операция қилиш мумкин экан. Рози

бўлдим. Ҳозир аҳволим яхши. Мен каби беморларнинг соғайиши учун бор билим ва тажрибасини аямаётган барча шифокорларга Яратгандан узоқ умр тилаб қоламан, – **деб ёзади Ҳамидхон Латипов.**

Ислол динидаги беш фарздан биттаси Ҳаж зиёратига бормоқ бўлиб, мустақиллик шарофати билан минглаб юртдошларимиз бу имкониятга эга бўлмоқдалар. Жумладан, **Фарғона вилоятининг Бешариқ туманида истиқомат қилаётган 77 ёшли онахон Адолат Кабирова** ҳам 2013 йилнинг 8 апрелида муқаддас шаҳар Маккаи Мадинага бориш насиб этганини таъкидлаб, бунинг учун Юртбошимизга чексиз миннатдорлик билдиради. Адолат ая Ҳаж зиёратига бўлиб қайтган барча юртдошларимизга тиббий хизмат жуда намунали ташкил этилганини изҳор қилган. Онахон 10 нафар фарзанди борлиги, улардан 27 нафар неварга кўргани, улар соғсаломат улғаяётганини ўз мактубида алоҳида қайд қилади.

**Тошкент шаҳар тез тиббий шошилиқ ёрдам клиник шифохонасида** даволанаётган беморлар бу ердаги намунали хизматдан мамнун бўлиб, ўз оиласи бағрига қайтмоқдалар. Жорий йилнинг апрель ойида ана шу шифохонанинг кардиология бўлимида даволанган бир гуруҳ беморлар номидан вазирликка мактуб йўллаган меҳнат фахрийлари **М. Жаъфаров, Ф. Нигматуллаев, “Муруваттекс” МЧЖ ишчиси М. Азимжонов, фуқаро Л. Федоровлар** ана шу рўйхатдан жой олишган.

– Алишер Соатов, Зулайхо Миртожиева, Мунира Шотурсу-

нова каби шифокорлар, Гавҳар Муродова, Дилфуза Абдуллаева, Камола Миршаропова сингари ҳамширалар нафақат доридармонни ўз вақтида қабул қилиш, балки соғлом турмуш тарзига риоя қилиш бўйича ҳам биз беморларга ўз маслаҳатларини бериб туришди, – дея ёзишди мактуб муаллифлари.

Яна бир мактуб эгаси **Тошмуҳаммад Ҳозалиев 1-гуруҳ ногирони** сифатида кўплаб даволаш шахобчаларида ўзига кўрсатилаётган гамхўрлик ва эътибордан мамнун эканлигини шундай ифодаляди:

– Мен **Наманган вилояти Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси хирургия бўлимида** доимий ҳисобда тураман. Ана шу бўлимда 1980 йилдан бери элга хизмат кўрсатиб келаётган Ширмоной Фаниева ҳар гал мени ширин муомала билан қарши олиб, шифокор тавсияларини амалда қўллаш ва бажариш юзасидан ўз амалий ёрдами аямай келмоқда. Нафақат иш жойи, балки истиқомат манзилида ҳам обрў-эътиборга эришган тиббиёт ходимлари шаънига ҳар қанча илиқ гаплар айтсак-да, оз.

**Қарши шаҳрининг Бухоро кўчасида истиқомат қилувчи фахрий педагог Турсунпўлат Холв** узоқ йиллар таълим соҳасида ишлаб, саломатлигида жиддий муаммолар пайдо бўлгани боис, 2013 йилнинг

**Ҳа, оқ қоғоз узра қалбнинг тубидан тўкилган тилакларни ўқиган инсон юртимиздаги тиббиёт муассасаларида кўрсатилаётган намунали хизматни, ўз касбига ихлоси баланд шифокорларни кўз олдига келтиради. Модомики, ўз хизмат постида сергак турган шифокорлар бор экан, бу халқимизнинг тинч ва фаровон яшаётганидан далолат беради. Хулқар КУЗМЕТОВА тайёрлади.**

декабрь ойида **Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказининг кардиология бўлимида** даволанганини маълум қилади.

– Бу марказга келгунимча асабларим толиққан, юрак қон-томир хасталиклари хуружидан ҳаётга, яшашга нисбатан ишончсизлик билан қарай бошлаган эдим. Мазкур тиббий даргоҳда даволанар эканман, чехрасида одамийликнинг барча ноёб фазилатлари балқиб турган шифокорларга юзма-юз келдим ва ўзимга нисбатан дадиллик, ишонч қайтадан уйғонди. **Марказ директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Анис Алавий** билан бўлган суҳбатда халқимизга хос бўлган улғувор донишмандлик ва инсоний муносабатлар гўзаллиги унда мавжуд эканлигини қалбим ҳис этдим. Шифокорлардан Нусрат Исохонов, Илҳом Холматов, Маргарита Турғунова, ҳамширалар Сарвиноз Аҳатова, Зебо Болтаевларда ҳам беморни ҳаётга қайтара оладиган куч-қувватни кўрдим. Назаримда, улар Гиппократ ва Абу Али ибн Сино каби буюк табиблар руҳидан мадад олиб, элга сидқидилдан хизмат қилмоқда.

## БОЙ ТАРИХИМИЗ ВА БЕТАКРОР МАДАНИЯТИМИЗ ХАЗИНАСИ

**Ҳар йили май ойида бутун дунёда халқаро музейлар куни нишонланади. Республикаимиз музейлари ҳам ўзининг ажойиб ва дурдона экспонатлари билан халқимизга Ўзбекистон тарихи, унинг аввалги ва бугунги муваффақиятлари, аждодларимиз мероси, санъати ва ҳаётини намойиш этади.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2014 йил 6 февралда чиқарил-

ган 2124-сонли Қарорининг 19-банди, 1-иловасида 2014 йил май ойи “Музейлар бой тарихимиз ва бетакрор маданиятимиз хазинаси” мавзусида музейлар ойлиги тадбирлари ўтказилиши белгиланганлиги музейларимиз-

нинг юксак маънавий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Президентимиз Қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қ. Зоиров номидаги Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш музейида ҳам жорий йилнинг май ойида “Музейлар бой тарихимиз ва бетакрор маданиятимиз хазинаси” мавзусида ушбу ойликни ўтказиш тадбирлари режалаштирилган. **Музей ходимлари томонидан**

**май ойида ҳар шанба куни ҳамда “18 май – Халқаро музейлар куни” муносабати билан очик эшиклар куни ўтказилади.**

Музейга ташриф буюрувчилар учун тиббиётимизнинг ўтмиши ва бугунига оид экспонатлар ҳамда илмий-оммабоп фильмларни намойиш этиш режалаштирилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси шифокорининг қасамёди, янги кўргазмалардан

## Қарор ва ижро

қадимги Афросиёб қазилмаларидан топилган археологик буюмлар кўргазмаси очилиши ҳам кўзда тутилган.

“Очик эшиклар куни”да қарор ижроси доирасида мустақиллик йилларида юртимиз тиббиёт соҳасида эришилган ютуқлар, шунингдек “Соғлом она – соғлом бола” кўргазмалари тақдим этилади.

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қ. Зоиров номидаги Соғлиқни сақлаш музейи маъмурияти.**

## Конференция

## ВАЗИРЛИК ХОДИМЛАРИ СОҒЛИГИ — МУҲОФАЗАДА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига қарашли тиббиёт муассасаларида ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари соғлиги доимий муҳофаза қилиб борилмоқда. Яқинда вазирликнинг маданият саройида ўтказилган “Тиббий маданиятни ривожлантириш” ва “Соғлом турмуш тарзини шакллантириш” мавзуларидаги илмий-амалий конференция ана шу жараёни янада намунали ташкил этиш мақсадини кўзлади.**

Конференцияга Ички ишлар вазирлиги тиббиёт бошқармаси, вазирлик тасарруфидаги марказий поликлиника

ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Республика саломатлик ва тиббий статистика институти мутахассислари так-

лиф қилиниб, турли мавзулардаги ўз маърузаларини тақдим этдилар. Жумладан, “Валеология фани. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга замонавий ёндашув”, “Ички ишлар органларида тиббий маданиятни ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш масалалари”, “Оила ва саломатлик, боланинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига



кўмаклашиш, бола шахсини ривожлантириш” каби мавзулар ички ишлар органларида хизмат

қилаётган ходимларнинг тиббий саводхонлигини оширди. **Жасур ЖАЛИЛОВ.**

## Это интересно

## СИМВОЛИКА МЕДИЦИНЫ И АВИЦЕННА

**Медицинский халат. Белый цвет – цвет необычайной чистоты и высоко доверия. Белые одежды всегда отождествлялись со свободой, высокой нравственностью личности, носившей ее, большой жизненной зрелостью и огромным опытом индивидуума. Белый халат делает человека более значимым в лице окружающих. Кстати, слово “халат” имеет восточное происхождение: “hil at” с арабского языка переводится как “почетное платье”.**

Кто именно был прародителем медицинских халатов – история умалчивает. Вариантов очень много, кто-то считает, что халат был придуман в Древнем Риме, где люди защищались белыми фартуками от крови. Еще кто-то говорит о том, что белый халат – это вид одежды монахов. Белый медицинский халат – традиционная, профессиональная одежда врачей, “доспехи рыцаря медицины”, символ чистоты помыслов и незапятнанности, верности долгу, готовность всегда идти на помощь, эта неотъемлемая часть авторитета врача, его визитная карточка и стала знаком медицинского работника. У большинства пациентов врач в белом халате вызывает уверенность и веру в самое лучшее. Символикой медицины на все времена останется именно белый халат – родоначальник современной медицинской одежды.

А вот почему медицинские халаты приобрели белый цвет, до сих пор ходят споры. Кто-то говорит, из-за того, что белый цвет является символом спасения, другие утверждают, что еще древние восточные целители использовали не только белый цвет для обрядов, но и вообще форму, напоминающую современные медицинские халаты. Великий целитель средневековья, “король врачей” Хусайн ибн Абдулла ибн Сино (Авиценна) впервые предложил врачам надеть белые халаты, одежду, которую разрешалось носить только самим арабским халифам. Есть и иные, нетрадиционные версии истории происхождения белых халатов. Вот, к примеру, восточная легенда уверяет нас, что не

только символ медицины – чаша со змеей – заимствованы из учения Аюрведы, но и современная форма одежды врача – белый халат, шапочка, брюки и маска на лице.

Именно такой была ритуальная одежда атхарванов – древних зороастрийских целителей. Во время лечения больных или совершения обрядов целители облачались в белое, как в символ чистоты. Повязка на лице служила для того, чтобы дыхание их не оскверняло священное творение огня. Халат пришел в Европу лишь в конце XIX века, Джозеф Листер – врач-гигиенист из Англии стал повсеместно озвучивать созданную им теорию антисептиков. Призывая коллег использовать в своей работе специальную одежду, англичанин убедил большинство из них в том, что медицинские халаты являются необходимой составляющей их профессии. Первоначально халаты были цветными и лишь некоторое время спустя стали белыми. В эти же годы появились и маски. Уже в начале прошлого столетия многие врачи считали своим долгом надевать и белые медицинские халаты, и специальные шапочки, и маски.

Современные костюмы и халаты (спецодежда) медицинских работников должны быть: кровостокаивающими, бактерицидными, антисептическими и эргономичными, легко обрабатываемыми, стираемыми, подвергаемыми дезинфекции, то есть, функциональными, практичными, удобными, гигиеничными и стерильными. Медицинский халат – это приятный внешний вид, красивые дизайнерские линии, практичные и удобные усовершенствованные формы, интересные, так называемые, смесовые ткани, в состав которых

входят хлопок и полиэстер, поскольку они не садятся, не мнутся, просты в уходе, износостойкие. Рекомендуется сшивание логотипа больницы и клиники, пропитать специальными веществами, делающими материал еще более функциональным. Сегодня во всем мире, в том числе и в независимом Узбекистане, белый медицинский халат стал символом заботы и помощи больным, не теряя своей актуальности.

Медицинская эмблема. История возникновения медицинской эмблемы уходит в тысячелетнюю историю древних цивилизаций Востока, Египта и Греции, Нового Света. Змея обвиняет тело Изиды – покровительницы врачевания в Древнем Египте. В античном мире медицинской эмблемой была не ядовитая змея, а безобидный уж. С возникновением культа змеи ей приписывалась двойная роль: зла и добра. С одной стороны, змея была символом хитрости и коварства, с другой – бессмертия, мудрости и знаний. Многие народы мира издавна связывали змей с исцелением больных.

В мифологии стран Древнего Востока змеи фигурировали часто, обычно вместе с богами, которых связывали со здоровьем людей и врачеванием их. В медицинской эмблеме первоначально змея изображалась без каких-либо атрибутов. Позднее появились изображения змеи в сочетании с различными предметами. Так, например с VIII в. до н. э. одним из символов медицины являлся посох бога врачевания Асклепия (Эскулапа) – суковатая палка, вокруг которой обвилась змея головой вверх. Чаша со змеей – наиболее известная медицинская эмблема. Впервые ее изображения стали появляться примерно в 800-600 годах до н. э. Изначально чаша и змея были атрибутами Гигиены – дочери Эскулапа, которая держала их в разных руках.

В последующем эта эмблема была забыта на долгое время. Изображения амфоры или чаши,

обвитой змеей, появились намного позднее. Чаша со змеей и в наше время считается символом медицины и аптечного дела. Однако в истории медицины разных стран чаще эмблемой врачевания считалась змея, которая обвиняется вокруг посоха. Суеверный страх перед змеями, усиленный легендами о существовании всяких змееподобных чудищ, мешал серьезно заняться изучением ядовитых пресмыкающихся, а в средние века, особенно в Европе, этому мешала церковь, но зато в Юго-Восточной и Средней Азии на рубеже первого и второго тысячелетий нашей эры не только возрождается интерес к ядовитым змеям, но и делаются успешные попытки их изучения.

Родоначальником этого направления стал выдающийся естествоиспытатель и великий исцелитель Средней Азии “князь врачей” Хусайн ибн Абдулла ибн Сино (Авиценна). Внес очень существенный вклад в изучение змей и их ядов последователь Хусайн ибн Сино – Абу Ибрахим Джурджани. Именно он первый высказал мысль, что яд некоторых змей вызывает быстрое свертывание крови в организме человека, а через сто лет Феличе Фонтана, проделав более шести тысяч опытов, не только подтвердил догадку Абу Ибрахим Джурджани, что яд действует лишь на кровь, а проглоченный – безвреден, но и открыл целый ряд реакций организма на змеиный яд. Наиболее изучены и широко распространены в пустынях и полупустынях Средней Азии и Казахстана змеи степная гадюка и песчаная эфа.

Песчаная эфа – одна из самых опасных змей, ее яд – самый токсичный среди ядов гадюк и уступает только яду гюрзы. По утверждению историков, Хусайну ибн Сино принадлежит авторство одного из вариантов медицинской эмблемы – змея, отдающая свой яд во имя здоровья человека. Основываясь на легендах и преданиях о жизни великого Хусайн ибн Сино, вполне допустимо, что одна из медицинских эмблем – змея,

обвивающая посох, возникла в конце X – начале XI века и связана с именем Хусайна ибн Абдуллы ибн Сино. И лишь в XVI веке, по предложению Парацельса (Филипп Ауреол Теофраст Бомбаст фон Гогенхайм), чаша со змеей стала медицинским символом. По различным предположениям, змея – символ мудрости, знания и бессмертия, а также целебных свойств ее яда, который широко использовался в медицине того времени как лекарство, имеющее сложный состав и включавшее в себя змеиный яд. А чаша – это сосуд для его хранения. Иногда происхождение чаши со змеей, как медицинского символа, связывают с историей ядов и противоядий.

Лекарства часто имели сложный состав и включали в себя змеиный яд, который хранили в специальных чашах. Чаша со змеей – медицинская эмблема, как напоминание врачу о необходимости быть мудрым, а мудрость черпать из чаши познания природы. Первая международная эмблема медицины состояла из фигуры Асклепия, изображенной стоя, в длинном плаще, держащей в руках посох, обвитый змеей. В настоящее время вертикально расположенный посох, обвитый змеей, изображаемый на фоне окаймленного лавровыми ветвями земного шара, является эмблемой Всемирной организации здравоохранения при Организации Объединенных Наций (ООН). Эмблема Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ) была принята на I Всемирной Ассамблее здравоохранения в Женеве (1948 г.) и состоит из 2-х эмблем: эмблемы ООН (земной шар в обрамлении лавровых ветвей) и эмблемы медицины (посох, обвитый змеей). Символика этой эмблемы отражает господство медицины над целебными, охраняющими жизнь силами природы.

**И. ИСМОИЛОВ,**  
врач ГДКБ №1.

## Будьте всегда бдительны

## ЧТО НУЖНО ЗНАТЬ О СКАРЛАТИНЕ

**Возбудитель скарлатины** – бета-гемолитический стрептококк группы А. Инфекция обычно передается воздушно-капельным путем от больных скарлатиной либо ангиной при чихании, кашле и разговоре, поэтому больных необходимо изолировать от окружающих и в особенности от детей. Однако возможен и контактный путь передачи через предметы обихода: одежду, игрушки, предметы личной гигиены. Больные наиболее контагиозны в первые дни болезни.

**Воротами инфекции** являются миндалины, откуда стрептококк проникает в окружающие ткани, кровь и внутренние органы. Вырабатываемые стрептококком токсины вызывают поражение верхнего слоя эпидермиса, а также нарушают функции головного мозга и сердца. Для скарлатины типичным является формирование увеличенного в размерах «скарлатинового сердца» (из-за воздействия токсического фактора стрептококка). В период заболевания аллергические факторы агрессии обуславливают появление сыпи, а после выздоровления могут вызвать ревматическое поражение внутренних органов.

**Скарлатина проявляется** сыпью по всему телу. Сыпь мелкого размера, при надавливании исчезает, обычно появляется на третий день болезни. Сыпь локализуется на щеках, по бокам туловища, в паховой области. Высыпания проходят через неделю, не оставляя пигментации. Характерным признаком болезни является скарлатиновый язык, у детей он становится ярко-красным. Заболевание протекает в тяжелой форме и сопровождается симптоматикой тонзиллита. Подчелюстные и шейные лимфатические узлы увеличены. Края зева гиперемированы. Температура тела повышается. После исчезновения сыпи (обычно через 7 дней от начала заболевания) кожа на месте сыпи шелушится в течение двух-трех недель.

Скарлатина может осложняться средним отитом, воспалением придаточных пазух носа, гломерулонефритом и ревматизмом.

**Лечение скарлатины** при легкой форме проводят в амбулаторных условиях. Однако больного необходимо изолировать от окружающих. При наличии в семье детей дошкольного возраста, а также учащихся первых классов, не болевших

скарлатиной, показана госпитализация больных с целью недопущения передачи инфекции. Больных среднетяжелой и тяжелой формой заболевания госпитализируют и помещают в отдельную палату, выделяют им отдельную посуду и предметы личной гигиены. Наличие осложнений также является показанием к госпитализации.

Больным назначают постельный режим. Рекомендуют обильное теплое питье. Пища рекомендована жидкая либо полужидкая с ограничением количества белков. Назначается диета № 2. Дополнительно назначают поливитаминные препараты. При тяжелом течении и наличии осложнений проводят инфузионную терапию с целью детоксикации.

Изоляцию больных прекращают после выздоровления, но не ранее десяти дней от начала болезни. Дети, переболевшие скарлатиной, допускаются в учебные заведения и детские сады только через 12 дней после окончания болезни. Дети, которые не болели скарлатиной, но были в контакте с больным, также изолируются на неделю после контакта. Дети, не болевшие скарлатиной, но общавшиеся с больным на протяжении всего периода его бо-



лезни, допускаются в учебные заведения и детские сады только после семнадцатидневного карантина. У людей, переболевших скарлатиной, развивается стойкий пожизненный иммунитет.

Иммунитет к ним типоспецифичен и нестойк. Все сказанное объясняет тот факт, что повторные случаи скарлатины в общем редки и что человек, переболевший скарлатиной, может легко заразиться другими стрептококковыми инфекциями (рожей, ангиной, пиодермиями и т. д.).

**У. ХАЙДАРОВА,**  
врач ГКИБ №1.

Мероприятия

# КОНКУРС ДРУЖИН КРАСНОГО ПОЛУМЕСЯЦА

**В Хамзинском районе стало традицией каждый год проводить среди школьников конкурс на знание истории движения Общества Красного Креста и Полумесяца, его основополагающих принципов и умения оказывать первую медицинскую помощь.**

Начинается он с районного конкурса, затем лучшие дружины проходят городской и в заключение уже республиканский. Вот и в этот раз конкурс начался в ташкентском авиационном колледже. Восемнадцать дружин из восемнадцати школ приняли участие в нем.

Им предстояло пройти семь этапов – это строевая подготовка, оказание первой медицинской помощи, уход за больным на дому, инфекционные болезни, лекарственные травы, история Красного Полумесяца, правила дорожного движения и оказание помощи при дорожно-транспортном происшествии.

В общем, пройти все семь этапов. Соревнующиеся подготовили стенные газеты, перед жюри в составе районных представителей управления безопасности дорожного движения, образования, врачей, общественного движения «Камолот», Народно-демократической партии показывали строевую подготовку, отвечали на вопросы экзаменационного билета и, конечно, рассказали о принципах Красного Полумесяца – это добровольность, гуманность, беспричастность,

независимость, нейтральность, единство. Не все, разумеется, были подготовлены, но уже тот факт, что им пришлось все же отвечать, вспоминать, что учили, дал толчок все это знать для себя в дальнейшем. Жюри отметило, что лучшую газету выпустила дружина школы № 231, а по смотру конкурса лучше были ребята из школы № 244. И те и другие получили первые места и подарки.

**А. ПОПОВ.**  
Фото автора.



## Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий фаолиятни лицензиялаш Кенгаши маълум қилади

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий фаолиятни лицензиялаш Кенгашининг 2014 йил 29 апрелдаги 5-сонли қарорига асосан амал қилиши тугатилган ва вақтинча тўхтатилган хўжалик юритувчи субъектлар рўйхати

Ўз аризасига кўра лицензиянинг амал қилишини тугатишни сўраб мурожаат этган юридик шахслар рўйхати

| № | Худуд номи      | Тиббий фаолият ва почта мақоми                       | Фирмалар номи                                     | Лицензия рақами  |
|---|-----------------|--|---|--|
| 1 | Бухоро вилояти  | Бобонг тумани, Имом Қасимов йўли, Шехан қўшони, 7-уй | "NEW DENT" МФК                                    | 1681-00<br>25.02.2013 й. берилган  |
| 2 | Бухоро вилояти  | Бухоро шаҳри, Б.Наҳабандий йўли, 5-уй                | "BUKHORO SHIRO SERVIS" МФК                        | 1649-00<br>17.01.2013 й. берилган  |
| 3 | Навоий вилояти  | Навоий шаҳри, Толстой кўчаси, 2-уй, 67-қондан        | "NAVOIY-OFTALMOSERVIS" тусурий корхонаси          | Ю-0076<br>30.12.2009 й. берилган   |
| 4 | Навоий вилояти  | Навоий шаҳри, Ҳабуллаев кўчаси, 153-уй               | "STOMA-JAMOM" тусурий корхонаси                   | Ю-0820<br>22.06.2010 й. берилган   |
| 5 | Андижон вилояти | Шарқон шаҳри, Р.Едуров кўчаси, 103-уй                | "Сервис" тусурий диалектика маркази ва шифонахаси | ПНО-2942<br>29.12.2008 й. берилган, амал қилишни 25.12.2013 йилда тугатган |
| 6 | Навоий вилояти  | Қасонсай шаҳри, Олмобоев кенгашида                   | "Хайбани кули йўли" тусурий корхонаси             | Ю-0368<br>05.12.2009 й. берилган   |

Хўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши вақтинча тўхтатилган юридик шахслар рўйхати

| № | Худуд номи        | Тиббий фаолият ва почта мақоми            | Фирмалар номи                     | Лицензия рақами                   | Асос   |
|---|-------------------|---|-----------------------------------|-----------------------------------|--|
| 1 | Самарқанд вилояти | Каттақўрғон шаҳри, Ўзбекистон йўли, 43-уй | "ДОКТОР АШИРАЛ" тусурий корхонаси | Ю-1835<br>29.08.2011 йил берилган | Самарқанд вилоят хўжалик судининг 2014 йил 15 апрелдаги 14-1404/3652-сонли ҳал қилув қарорига асосан 3 ойга вақтинча тўхтатилган   |
| 2 | Самарқанд вилояти | Самарқанд шаҳри, А.Содиқ кўчаси, 18-уй    | "IBN SINO" МФК                    | Ю-8923 24.05.2011 й. берилган     | Самарқанд вилоят хўжалик судининг 2014 йил 18 апрелдаги 14-1404/3652-сонли ҳал қилув қарорига асосан 40 кунга вақтинча тўхтатилган |

Ўз аризасига асосан амал қилиши вақтинча тўхтатилган юридик шахслар рўйхати

| № | Худуд номи      | Тиббий фаолият ва почта мақоми                       | Фирмалар номи                     | Лицензия рақами                   | Муддати   |
|---|-----------------|--|-----------------------------------|-----------------------------------|---|
| 1 | Тошкент вилояти | Зангиота тумани, Зангиота йўли, А.Телур кўчаси, 3-уй | "KRISTALL-STOM" тусурий корхонаси | 1782-00<br>09.04.2013 й. берилган | 31.03.2014 йилдан<br>31.09.2014 йилга қадар<br>6 ойга |

Хўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тугатилган юридик шахслар рўйхати

| № | Худуд номи      | Тиббий фаолият ва почта мақоми                      | Фирмалар номи  | Лицензия рақами                    | Асос  |
|---|-----------------|---|--|------------------------------------|---|
| 1 | Андижон вилояти | Балиқчи тумани, Олимбек кўчаси, Фурқатлар йўли      | "Алишер Қўчқоров" кўтармақили ҳамақ кўрсатиш фирмаси | ПНО-3365<br>14.10.2009 й. берилган | Андижон вилоят Хўжалик судининг 2014 йил 19 мартдаги 17-1401/1680-сонли ҳал қилув қарорига асосан тугатилган  |
| 2 | Хоразм вилояти  | Урганч шаҳри, А.Бакдиқрон кўчаси, 281-уй, 10-қондан | "VISUS MED SERVICE" МФК                              | Ю-0808<br>31.05.2010 й. берилган   | Хоразм вилоят Хўжалик судининг 2014 йил 28 мартдаги 22-1404/2453-рақами ҳал қилув қарорига асосан тугатилган  |
| 3 | Хоразм вилояти  | Янгибозор тумани, Бобоқанова кўчаси                 | "Нигора Хоразмий" тусурий шифонахаси                 | Ю-0308<br>05.12.2009 й. берилган   | Хоразм вилоят Хўжалик судининг 2014 йил 18 апрелдаги 22-1402/3010-рақами ҳал қилув қарорига асосан тугатилган |

Хўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тугатилган юридик шахслар рўйхати

| № | Худуд номи         | Тиббий фаолият ва почта мақоми                  | Фирмалар номи                            | Лицензия рақами   | Асос   |
|---|--------------------|---|--|---|--|
| 1 | Сурхондарё вилояти | Термо шаҳри, А.Икромов кўчаси, 21-уй            | "Ўқмакун гулери" санаторийи              | 0194-01<br>24.08.2009 й. берилган, 19.07.2013 йил қайта раёсийлаштирилган | Сурхондарё вилоят хўжалик судининг 2014 йил 4 апрелдаги 19-1306/13634-сонли ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тўхтатилган                    |
| 2 | Бухоро вилояти     | Бухоро шаҳри, К.Муллаев кўчаси, 3-уй, 91-қондан | "BEST-DENT PLYUS" тусурий корхонаси      | 0575-01<br>26.12.2011 й. берилган   | Бухоро вилоят хўжалик судининг 2014 йил 18 мартдаги 20-1302/11971-сонли ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тўхтатилган                        |
| 3 | Бухоро вилояти     | Жондор тумани, Жондор шаҳарчаси, 191-уй         | "SADAM" фирмаси                          | Ю-0781<br>08.11.2010 й. берилган  | Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2014 йил 21 апрелдаги 33-8/254-сонли ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тўхтатилган |
| 4 | Бухоро вилояти     | Қатон шаҳри, Авазобод кўчаси, 11-уй             | "DENTA-SERVIS-SHIBRAT" тусурий корхонаси | Ю-0531<br>30.04.2010 й. берилган  | Бухоро вилоят хўжалик судининг 2014 йил 25 январдаги 20-1302/11970-сонли ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тўхтатилган                       |

### ЭЪЛОН

2014 йилнинг 24-25 май кунлари Андижон Давлат тиббиёт институтини 1982 йилда битирган талабаларнинг учрашув кечаси Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидаги «Мингчино» дам олиш масканида бўлиб ўтади. Мурожаат учун телефон: (+99891) 474-89-58.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Ҳамшира» журнали ижрочи директори Абдукарим Усмонходжаевга турмуш ўртоғи

**Шоҳида ТАЛИБОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Газета муассиси:  
**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги**

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ  
Нашр учун масъул  
Бош муҳаррир ўринбосари  
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.  
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикфол кўчаси, 30-уй, 2-қavat.  
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 8152 нусха.  
Буюртма Г-559.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

